



## ОЗАРБАЙЖОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев рафиқаси билан бирга 22 август куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.**

Тошкент шаҳри халқаро аэропортида уларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва бошқа расмийлар кутиб олди.

Олий мартабали меҳмон шарафига икки мамлакат давлат байроқлари кўтарилиб, фахрий қоровул саф тортиди.

Ўзбекистон ва Озарбайжон – икки қардош халқ ўртасидаги маданий алоқалар ҳамма даврларда ҳам жуда илқ бўлган. Бу муносабатларнинг илқизи теранлиги ҳақида ўйлар экансиз, халқимизнинг бир доно гапи ёдга тушади. Дўстликнинг эскиси, турфа синовлардан оғишмай ўтгани яхши, дейди ёши улугларимиз.

Бугун тарихий бирдамлик ва қардошлик муносабатлари янада ривожланиб, янги даражага кўтарилди. Бунга кейинги йилларда икки давлат етакчиларининг ҳамфикрликлари мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада жонлантириб юборди. Бу алоқалар эса ўртадаги ҳамкорлик ҳамда стратегик шерикликни ривожлантириб, белгиланган марраларга тезроқ эришишда муҳим аҳамият касб этаётди.

Озарбайжон Республикаси Президенти Тошкент шаҳрига келгач, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ҳамроҳлигида Хайдар Алиев ёдгорлиги мажмуасига борди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан барпо этилган мазкур мажмуа Озарбайжон Президентининг 2022 йил июнь ойидаги мамлакатимизга ташрифи чоғида очилган эди.

Олий мартабали меҳмон ёдгорлик пойига гул қўйиб, атоқли сиёсий ва давлат арбоби, мустақил Озарбайжоннинг асосчиси Хайдар Алиев хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Шундан сўнг Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев "Янги Ўзбекистон" боғига ташриф буюрди.

Олий мартабали меҳмон "Янги Ўз-

бекистон" боғидаги Мустиқлик монументи пойига гул қўйди.

Мажмуа билан қисқача танишув асосида Озарбайжон Республикаси делегацияси вакиллари мазкур ансамбль мазмуни ва меъморий ечимлари ҳақида маълумот берилди.

"Янги Ўзбекистон" боғи ва Мустиқлик монументи истиқлолимизнинг ўттиз йиллигига бағишлаб бунёд этилган.

Уч минг йилдан зиёд давр – она Ватанимиз ҳудудидаги миллий давлатчилик тарихи илқизлари шу қадар теран. Монументга эътибор қаратган киши мана шу залворли ўтмишнинг бадий ифодасига ғувоб бўлади.

Олий мартабали меҳмонлар, расмий хорижий делегацияларнинг мамлакатимизга ташрифи доирасида бунёдга кўтарилган гул қўйиш аънаънага айланган.

Делегация аъзолари мажмуада акс эттирилган алломалар, буюк саркарда ва жаҳонгирлар, жадид боболаримизнинг сиймоларига алоҳида эътибор қаратди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 23 август куни бўлиб ўтади.

Ташриф дастурига мувофиқ, Тошкент шаҳрида Ўзбекистон ва Озарбайжон етакчилари раислигида олий даражадаги музокаралар ва Давлатлараро олий кенгашининг биринчи мажлиси ўтказилиши режалаштирилган.

Саммит кун тартибидан Ўзбекистон – Озарбайжон стратегик шериклиги ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш масалалари ўрин олган.

Президентлар икки мамлакат бизнеси вакиллари билан учрашув ўтказиш, қатор ишбилармонлик ва маданий тадбирларда иштирок этиши ҳам кўзда тутилган.

**З. ЖОНИБЕКОВ,  
И. АВВАЛБОВ,  
ЎзА мухбирлари.**

## Долзарб мавзуга бағишланган семинар

Наргиза МИРЁҚУБОВА, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири – соҳани рақамлаштириш ва бу жараёнда муқобил, қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий қилиш, атроф-муҳитга ва экологияга зарарларни камайтириш чора-тадбирларини кучайтириш ҳисобланади.**

Шу мақсадда мамлакатимизда қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Халқаро хусусий тадбиркорлик маркази, тегишли маҳаллий вазирлик ва идоралар, АҚШ Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон "Тадбиркор аёл" халқаро ишбилармон аёллар ассоциацияси, хорижий компаниялар, маҳаллий тадбиркорлик субъектлари, қурилиш компаниялари мутасаддилари, соҳа мутахассислари иштирокида бўлиб ўтган Ўзбекистонда яшил иқтисодиётга ўтиш масалаларига бағишланган тадбир ҳам шу каби ишларнинг мантикий давоми бўлди.

Тадбирда мамлакатимизда яшил иқтисодиётга ўтиш, соҳани трансформация қилиш жараёнлари ва бу борада хориж тажрибаси атрофлича муҳокама этилди.

Бугунги давра суҳбати муҳим тадбирлардан бири бўлди, – деди Ўзбекистондаги халқаро хусусий тадбиркорлик маркази вакили Малика Муқимова. – Унда маҳаллий ҳамкорлар билан биргаликда минтақада бизнес

учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш бўйича мулоқот бўлиб ўтди. Шунингдек, Марказимиз томонидан олиб борилаётган "Марказий Осиё мамлакатларида ишбилармонлик муҳитини яхшилаш дастури" лойиҳасининг тақдимоти ҳам эътибор қаратилди. Мақсадимиз бозор, институционал ва тартибга солувчи ислохотларни илғари сурайдиган аёллар бошчилигидаги маҳаллий хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашдир.

Тадбирда Ўзбекистонда тадбиркорлар ва ишлаб чиқариш корхоналарини яшил энергия жараёнларига ўтишга кенг жалб этиш, атроф-муҳитга зарарни камайтиришни жадаллаштириш каби масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилиб, аниқ тавсиялар ишлаб чиқилди.

Эслатиб ўтамиз, 3 йилга мўлжалланган мазкур лойиҳа Қозғоғистон, Қирғиз Республикаси, Тожикистон ва Ўзбекистонда амалга оширилмоқда.



Муносабат

## Янги ташаббусларга илқомлантирувчи мулоқот

**Уч йилдирки, 20 август мамлакатимизда "Тадбиркорлар куни" сифатида кенг нишонланади. Давлатимиз раҳбари ҳар йили ушбу сана муносабати билан тадбиркор ва ишбилармонлар билан учрашиб, очиқ мулоқот ўтказди. Бу йилги мулоқот Қорақалпоғистоннинг Нукус шаҳрида бўлиб ўтди. Мазкур учрашувда Давлатимиз раҳбарининг кичик ва хусусий бизнес вакилларига юрт равнақи йўлидаги ҳаракатлари учун миннатдорлик билдириб, "Сизлар янгилик яратишдан, ташаббус кўрсатишдан чарчаманглар. Мен Сизларни қўллаб-қувватлашга, янада қулай шароитлар яратиш беришга доим тайёрман!" деган сўзлари барча тадбиркорларни янги марраларни эгаллашга даъват этиши турган гап.**

Нукусдаги мулоқотда иштирок этган "Murad Buildings" қурилиш компанияси асосчиси Мурод НАЗАРОВ бўлиб ўтган учрашув борасидаги таасуротлари билан ўртоқлашиб қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Давлатимиз раҳбарининг бу йилги тадбиркорлар билан ўтказган очиқ мулоқотида илғари сурилган устувор вазибалар ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий драйверларидан ҳисобланган тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш имконини бериши билан бирга халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, ҳудуд-

ларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

20 август "Тадбиркорлар куни" деб эълон қилиниб, мана уч йилдирки, байрам муносабати билан мамлакатимизда фаолият юритаётган тадбиркорлар билан Давлат раҳбари иштирокида очиқ мулоқот ташкил этиб келинмоқда. Биз ҳар йили август ойини интиқлик билан кутамиз. Сабаби, бир йил давомида тадбиркорлик соҳасида учраётган муаммолар, ўз ечимини қутаётган масалалар, муносабатлар юзасидан шахсан Давлат раҳбарининг

иштирокида, юзма-юз тарзда муҳокама этилади, ҳал қилинади. Президентимиз бу йилги учрашувда жуда кўп тадбиркорларнинг фикрлари билан қизиқди, уларни қийнаб келаётган муаммоларини тинглаб, ечимни юзасидан аниқ таклиф ва қарорларни қабул қилди. Президент муаммоларни, ишбилармонлик соҳасини яхши англаган ҳолда ўз қарорларини эълон қилиб, биз тадбиркорларга қулай имкониятларни яратишнинг янги механизмлари борасида тегишли топшириқларни берди.

▶ 2-БЕТ

## Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида

### БМТ вакиллари билан иборат делегация билан учрашув

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ директори Акмал Саидов, вазир ўринбосари Даврон Адиллов ҳамда бошқа бир қатор мутасаддилар БМТнинг Муносиб турар жой масалалари бўйича махсус маърузачиси Ражгопал Балакришнан бошчилигидаги делегация билан учрашдилар.**



Учрашувда шунингдек, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси Инсон ҳуқуқлари бўйича маслаҳатчи Тейссен Гуннар, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси Марказий Осиё бўйича минтақавий бюросининг Ўзбекистондаги Миллий дастур координатори Илдар Фаёуллин ҳам иштирок этдилар.

Ражгопал Балакришнан мамлакатимизда уй-жой сиёсати, унга бўлган талаб ва таклиф кўрсаткичлари, нарҳга таъсир этувчи омиллар хусусидаги масалаларга қизиқиш билдирди. Ўз ўрнида Давронжон Адиллов мамлакатимизда қурилиш соҳасидаги бир қатор ислохотлар, маҳаллий қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи тадбиркорлар фаолиятига берилаётган кўмак ҳамда уй-жой нархини барқарор ушлаб туриш мақсадида қатор импорт қилинадиган қурилиш материалларига давлат томо-

ндан божларнинг олиб ташланганлиги юзасидан маълумот берди.

Учрашув давомида шунингдек, аҳолининг кам таъминланган қатламни уй-жой билан таъминлаш, маҳаллий давлат бошқаруви органлари бюджети ҳисобидан ҳар йили 1 000 та уй-жой харид қилиниши ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига бепул ижарага берилаётганлиги тушунириб ўтилди.

– Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда инсон қадр ва халқ манфаати ҳар нарсадан устун, таъминли илғари сурилмоқда, – деди вазир ўринбосари Д. Адиллов. – Қай соҳа бўлмасин, ҳар бир ислохот энг аввало, юрдошларимизнинг фаровон турмуши учун хизмат қилмоқда. Бу йўлдаги вазифаларимиз, мақсадларимиз ҳали жуда кўп.

▶ 2-БЕТ

## Қурилишга СТАРТ БЕРИЛДИ



Мухиддин МАҒЗУМОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Бугун "бир миллион аҳолига эга" мақомидаги Наманган шаҳрининг меъморий қиёфаси янада яхшиланаётгани баробарида мазкур ҳудудда замонавий ишбилармонлик маркази ва турар жойлар мажмуаси ҳам барпо этилмоқда. Давлатобод туманида 1203 гектар майдонда қад ростлаётган "Янги Наманган" шаҳарчаси шулардан биридир. Бу ерда Бош режадаги 14 та лотда жами 36 та ер участкаси аукцион савдода сотилган.**

Маҳаллий тадбиркорлар томонидан 2 гектарда амалга оширилаётган "Яшил макон резиденция"си мажмуаси қурилишига рамзий старт берилди.

Тантанали тадбирда вилоят ҳокими Шавкатжон Абдуразоқов ва нуҳронийлар, фаол жамоатчилик ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди. Бу ерда меҳмонхоналар, рестороанлар, Хитойнинг "BYD" компаниясида ишлаб чиқарилган автомобилларнинг сотув офиси ва 9, 12, 21 қаватли уй, савдо ҳамда хизмат кўрсатувчи объектларни қуриш режалаштирилган.

Айни пайтда "CASTLE TOWN" МЧЖ томонидан 4 та 9 қаватли, 2 та 12 қаватли, 2 та 21 қаватли биноларни қуриш ишлари жадал давом эттирилмоқда. Бунинг натижасида 363 миллион сўмдан ортиқ инвестиция ўзлаштирилиб, 702 та оила уй-жой билан таъминланади.

– Президентимиз томонидан аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилаш, фаровонлигини ошириш, уларни замонавий уй-жойлар билан таъминлаш масаласи давлат сиёсатининг муҳим йўналиши этиб белгиланган, – деди тадбирда сўзга чиққан вилоят раҳбари Шавкат Абдуразоқов. – Соҳага бозор тамойиллари жорий қилинган натижасида юзлаб хусусий йуртмачи компаниялар шаклланди. Илқим темир-бетонли кўп қаватли уйлар қурувчи йирик кластерлар пайдо бўлди. Тадбиркорларга муносиб шариит яратилгани туфайли цемент, газоблок, кафель, керамогранит каби қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш кенгайиб, уларнинг нархи анча арзонлашди. Буларнинг барчасидан қўзланган мақсад битта – юртимизда уй-жойга муҳтож аҳоли эҳтиёжларини қондиришдир. Янги лойиҳа ҳам бу борадаги йирик қадам бўлиши, шубҳасиз.







# Бир бўлсак – ягона халқимиз, бирлашсак – Ватанмиз!

## КЎҲНА ВА ҲАМИША НАВҚИРОН САМАРҚАНД ЮКСАЛИШДА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Акмал ШУКУРОВ,  
Самарқанд вилояти ҳоқими  
ўринбосари.

Ҳар соҳада тараққий этиб, дунёга юз тузаётган юртимиз истиклолга эришганига яқинда 33 йил тўлади. Бир инсоннинг айна етуклик палласига тенг бўлган ушбу йиллар давомида диёримиз ҳам таниб бўлмас даражада ўзгарди. Бу юксалишлар замирида айнан қурилиш-бунёдкорлик соҳасининг ҳам ўзига хос ўрни борлигини таъкидлаш лозим. Бу ўзгаришу янгиланишлардан кўҳна ва ҳаммиша навқирон Самарқанд ҳам четда қолаётгани йўқ. Йил сайин янгидан янги иншоотлар барпо этилиши туфайли диёримизга келаётган сайёҳлар оқими ҳам янада кўпайган. Қадимий иморатлар билан бир қаторда замонавий шаҳарсозликнинг ёрқин намуналари ҳам дунё аҳлининг эътиборини тортаётгани заҳматқаш бунёдкорларга ҳам катта масъулият юкламоқда.



Бундан ташқари, жорий йил бошидан буён 371 млрд сўм маблағ эвазига 663,0 километр йўллар реконструкция қилиниб, таъмирланди. Жумладан, 8 километр умумфойдаланишдаги автомобиль йўллари реконструкция қилинган бўлса, 145 километр ички кўчаларга асфальт, 500 километрдан зиёд кўчаларга шағал қопламаси ётқизилди. Йил якунига қадар эса 1 631 километр кўчаларни таъмирлаш режалаштирилмоқда. Жумладан, 508 километр ички кўчаларга асфальт, 1 000 кмдан зиёд кўчаларга шағал қопламаси ётқизилади, 5 та янги кўприк қурилиб, 18 та кўприк таъмирланади.

Аҳолининг ичимлик ва оқова сув таъминотини яхшилаш бўйича ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. 2024 йилнинг биринчи ярмида 35,8 километр сув тармоқлари қурилди, 35 дона насос энергия тежамкорларига алмаштирилди. Мисол учун, Каттақўрғон туманида 20 км сув тармоғи, 4 дона янги сув насоси қурилиши ва 8 та сув насосини таъмирланиши ҳисобига 3 та маҳалладаги 1 минг 500 нафардан зиёд аҳоли илк бор ичимлик сув билан таъминланган бўлса, 1,5 минг нафар аҳолининг сув таъминоти яхшиланди. Бундан ташқари, давлат дастурлари ҳамда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан жорий йил якунига қадар 8 та янги сув иншооти ва 193 километр сув тармоқларини қуриш, 2 та сув иншоотини реконструкция қилиш режалаштирилмоқда.

Ушбу ишлар натижасида, йил якунига қадар 150 минг нафар аҳоли илк бор марказлашган ичимлик сув билан таъминланади, 81,9 минг нафар аҳолининг сув таъминоти яхшиланиб, марказлашган сув таъминоти 74,5 фоиздан 78,6 фоизга етказилади. Амалга оширилаётган ишларга мисол қилиб, Нуробод туманидаги "Нуробод-Дамхўжа" сув сақлаш иншоотини реконструкция қилиш ва 95,8 км ичимлик сув тизимларини қуришни айтишимиз мумкин. Мазкур

объектда амалга оширилаётган қурилиш ишлари натижасида Нуробод шаҳри, туманининг "Нурбулок", "Пўлатчи", "Шўрчи", "Юксалиш", "Омонбой", "Кечкелдик", "Нурдум", "Шарқ юлдузи", "Ачамайли", "Янгиқошқоқ", "Машъал", "Маданият" "Шўрбод" ва "Қиличчи" МФЙларида 18 495 нафар аҳолининг ичимлик сув таъминоти яхшиланиши кутилмоқда. Шунингдек, Каттақўрғон тумани марказида 32,7 километр оқова сув тармоғи ва 2 та насосни қуриш ҳисобига тумандаги 7 540 нафар аҳоли илк бор оқова хизмати билан таъминланади.

Бундан ташқари, аҳолининг электр энергияси таъминотини яхшилаш мақсадида ўтган 6 ой давомида 160 километр электр тармоқлари қурилиб, 86 дона трансформатор, 5 165 дона темир-бетон устун ўрнатилди. Биргина, Иштихон туманида 18 километр электр узатиш тармоғи, 8 та трансформатор пункти ва 1 177 дона темир-бетон устун қурилиб, 16 мингдан зиёд аҳолининг электр таъминоти яхшиланди. Шу билан биргаликда, қурилиш ишларини жадал давом эттириб, йил якунига қадар 200 километр электр тармоқлари қурилиб, 60 дона трансформатор пункти ва 5 мингдан зиёд темир-бетон устун ўрнатилди. 8 та янги подстанция қурилиб, 288 МВТ янги қувват яратилади ва аҳолининг электр таъминоти яхшиланади.

Аҳолини уй-жойларга бўлган талабини қондириш мақсадида ўтган йилда 10 мингдан зиёд хонадонли уйлар фойдаланишга топширилди. Жорий йилда эса 11 минг 300 хонадонли 182 та кўп қаватли уйларда қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, олдинги йилларда Булунғур ва Ургут туманларида "Янги Ўзбекистон" массивлари ташкил этилган бўлса, жорий йилда Самарқанд шаҳридаги



Қорасув ва Тойлоқ туманидаги Чароғбон маҳалла-ларида ҳам "Янги Ўзбекистон" массивлари ташкил этилиб, ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектлари ҳамда муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминланган шаҳарчалар барпо этилади.

Таъкидлаш керакки, янги иморатлар барпо этиш билан бир қаторда, олдинги йилларда қурилган кўп қаватли уйлар ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилгани

йўқ. Ўтган йилда мавжуд кўп қаватли уйларнинг 34 минг кв метр том қисми, 150 та кириш йўлаги, 83 та уй-жойларнинг ертўла қисмидаги муҳандислик коммуникациялари, 39 та уйнинг фасад қисми таъмирланди ҳамда 40 та уйга янги лифт ускунаси ўрнатилди. Жорий йилда ҳам бу тадбирлар давом эттирилиб, 183 та кўп қаватли уй мукамал ва жорий таъмирланмоқда. Жумладан, 93 та уйнинг том қисмида ва 94 та уйнинг фасад қисмида таъмирлаш ишлари амалга ошириляпти.

Бундан ташқари, "Шаҳар пиёдалар учун" тамойилига қатъий амал қилган ҳолда аҳолига қулай ва тез жамоат транспорти хизматини кўрсатиш бўйича ҳам кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. 2023 йилда Самарқанд шаҳрига 100 дона замонавий автобус ва 6 та электробус келтирилган бўлса, жорий йилда 94 та электробус харид қилиниб, 157 та автобус бекати ҳамда 5 та автовокзал қуриш ва реконструкция қилиш ишлари олиб борилади. Шунингдек, хозирда вилоят аҳолисига хизмат кўрсатадиган 1 000 дона замонавий автобусни харид қилиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Натижада 2023 йилда 102 млн нафар аҳолига жамоат транспорти хизматлари кўрсатилган бўлса, 2024 йилда бу кўрсаткич 114 млн нафарга етказилади.

Мақсадимиз ягона – дунё аҳлини лол қолдиришда давом этаётган гўзал Самарқандимиз ривож йўлида янада катта ғайрат ва шижоат билан ишлашдир. Қолаверса, Ватанимиз мустақиллигининг 33 йиллигини муносиб кутиб олиш учун янада кўркам ва замонавий иншоотлар, сўлим боғлар ва раvon йўлларни барпо этишда давом этамиз.

## Ўзбекистон тумани инфратузилмаси яхшиланяпти

Орифжон ИСМОИЛОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Янги ўқув йилига ҳам яқин қолди. Аини пайтда таълим муассасаларида тайёргарлик авжида. Ўқувчиларни янгиланган ва шинам хоналарда кутиб олиш, керакли жиҳозларни шай ҳолатга келтириш мутасаддилар зиммасидаги асосий вазифага айланган. Хусусан, Ўзбекистон тумани Зинаша маҳалласидаги 27-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотиди ҳам "Ташаббусли бюджет" лойиҳаси доирасида мукамал таъмирлаш ишларига киришилди. Жорий йилнинг февраль-март ойлари давомида юртимизда ўтказилган лойиҳанинг 1-босқичида Зинаша маҳалласидаги 27-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти жамоаси, ота-оналари ва маҳалла аҳли ҳам фаол иштирок этиб, муассаса инфрастрүктурасини яхшилаш бўйича илгари сурган ташаббуслари ғолиб деб топилган.

Туман ҳоқими Шерзоджон Юлдашев ушбу масканда бўлиб, лойиҳа доирасида амалга оширилиши белгиланган қурилиш-таъмирлаш ишлари билан яқиндан танишди. Лойиҳага кўра, 1991 йилда қурилган муассасада кенг қўламдаги таъмирлаш-бунёдкорлик ишлари амалга

оширилади. Хусусан, бино-иншоотлар тўлиқ мукамал таъмирланиб, эшик-де-разалар янги ва замонавийсига алмаштирилади. Электр энергияси, канализация ҳамда бошқа коммуникация тизимлари янгиланади. Маскан худуди обод этилиб, замонавий кўринишга келтирилади.

Бунинг учун лойиҳа доирасида давлат бюджетидан 1 миллиард 300 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланиши кўзда тутилган. Натижада эса, бу ерда таълим-тарбия олаётган 210 нафардан зиёд болалар учун қулай ва замонавий шароит яратилади. Туман раҳбари масъуллар би-

лан суҳбатда белгиланган вазифаларни замон талабидан келиб чиқиб ва албатта юқори сифатда амалга оширишга жиддий эътибор қаратиш, жамоатчилик назоратини сусайтирмаслик юзасидан кўрсатма ва тавсиялар берди. Иш кўламини жадаллаштириш юзасидан қўшимча зарурий чоралар белгиланди.

Дарҳақиқат, "Ташаббусли бюджет" лойиҳаси фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ва жойлардаги муаммоларни қисқа муддатда ҳал этишнинг манзилли ечими сифатида хизмат қилмоқда. Хусусан, тумандаги Оқмачит маҳалласининг ташаббускор аҳли ҳам аини лойиҳада фаол иштирок этиб, натижадорликка эришиб келаётган юртдошларимиздан. Маҳалла жамоатчилигининг ўзаро бирдамлиги ва ташаббускорлиги натижасида дастурнинг ўтган 2023 йил иккинчи мавсумида ғолиблик қўлга киритилиб, худуднинг 3 минг метр ички йўллари асфальтланган эди.

Дастурнинг жорий 2024 йилги биринчи мавсумида ҳам оқмачитликлар ўз кўчаларини обод этиш борасида навбатдаги ташаббусчи илгари суриб, унинг ҳам ғолиб деб топилганини муваффақиятли удаладилар. 5265 та овоз тўплаган таклифни амалга ошириш учун давлат бюджетидан йўналтирилган 1 миллиард 300 миллион сўмдан зиёд маблағ эвазига маҳалла ўра-мидаги 4 та кўча буйлаб яна 3000 метр-дан зиёд ички йўлларга асфальт қопламаси ётқизилмоқда. Аини кунларда қизгин бунёдкорлик ишлари "Кўқон йўл таъмир" МЧЖ йўлсозлари томонидан амалга ошириляпти.

Туман ҳоқими манзилда бўлиб, ушбу ободлик тадбирлари билан яқиндан танишиб, маҳалла аҳли ва йўлсозлар билан мулоқотда бўлди. Оқмачитликларнинг ташаббускорлиги, ислохотларга алоҳида қизиқиш ва дахлдорлик ҳисси юқори экани маъна шундай хайрли амаллар намунасида намоеъ бўлаётгани алоҳида эътироф этилди. Лойиҳа сифатини таъминлаш, аҳоли ва транспорт харақати учун қулайликларни ошириш юзасидан мутасаддиларга тавсиялар берилди.

Ўзбекистон туманида 85 йиллик эски бинода фаолият юритиб келган яна бир боғча замонавий қиёфада янгидан бунёд этилди. "Катта Тағоб" маҳалласидаги 48-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти капитал реконструкция қилиниб, буткул янгиланган қиёфада фойдаланишга топширилди. Тантанали очилиш маросимида туман ҳоқими Шерзоджон Юлдашев бошчилигидаги сектор раҳбарлари, маҳалла фаоллари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди. Тадбирни кириш сўзи билан очиб берган туман раҳбари барчани янгидан барпо этилган таълим маскани ишга тушгани муносабати билан кутлар экан, тарбиянинг негизи бўлган мактабгача таълим ташкилотларини замон талаблари даражасида юқори савияда

ташқил этиш, тизимни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, баркамол келажақ авлодини тарбиялашда муҳим омили эканлигини таъкидлади.

Мактабгача таълим ташкилоти 1939 йилда қурилган собиқ мактаб биноси ўрнида жойлашган бўлиб, сўнгги вақтларда ушбу муассасадаги 3 та гуруҳда 75 нафар бола тарбияланаётган эди. Туман ҳоқимлиги ташаббуси билан муассасанинг мав-нан эскирган биноси ўрнида 120 ўрин-ли янги ва кўркам маскан барпо этилди. Бунёдкорлик ишлари ҳамда замонавий жиҳозлаш учун туман маҳаллий бюджетидан қарийб 1 миллиард сўм маблағ сарф-ланди. Мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний, ақлий ва шахсий ривожланиши учун барча шароитларга эга бўлган ушбу ташкилотда эндиликда 120 нафар бола белгиланган давлат талаблари ва дастур асосида таълим-тарбия олади.

Ўзбекистон тумани маҳаллаларида аҳолининг яшаш шароити ва турмуш фаровонлигини юксалтириш, худудлар инфратузилмасини яхшилашга қаратилган манзилли тадбирлардан яна бири Сочте-па маҳалласида амалга оширилмоқда. Хусусан, аини кунларда ушбу маҳаллада электр энергия таъминоти сифатини яхши-лаш ишлари амалга ошириляпти. Худудда тизимга доир кўп илмлик муаммони бартараф этиш, аҳолининг бу борадаги мурожаатларини ижобий қаноатланти-риш мақсадида қатор амалий тадбирларга киришилган. Шу мақсадда, манзилли дастур доирасида туман энергетиклари то-монидан маҳаллада 60 дондан зиёд янги таъ-нч устуни ўрнатилмоқда. Модерниза-ция жараёнлари давомида шунингдек, 2,5 километр ҳаво тармоқлари тортилиб, 160 кВА қувватга эга бўлган янги трансфор-матор ўрнатилиши белгиланган. Мазкур ишлар натижасида маҳалладаги 150 дан зиёд аҳоли хонадонидида электр таъминоти яхшиланади.





# БУХОРО:

## Тараққиётнинг янги босқичида

Атиги бир йил олдин келган киши ҳам бугунги Бухоронинг қадимий ва замонавий архитектура уйғунлашган қиёфасини кўриб танимай қолиши, шубҳасиз. Бир-бирини такрорламаган ҳолда бунёд этилган турар жойлар, қатор савдо марказлари ва ижтимоий соҳа объектлари ҳайратингизни ошириши шубҳасиз. Бугун тараққиёт сари илдам одимлаётган Бухоро нафақат бунёдкорлик соҳасида, балки ишлаб чиқариш, тадбиркорлик, савдо-саноат каби йўналишларда ҳам қатор ютуқларга эга бўлмоқда.

Қувонарлиси, бу янгиланиш, яратиш ва ободлик ҳар бир бухоролик юртдошимиз ҳаётида акс этиб, улар қалбига Ватанга муҳаббат, юртга садоқат туйғуларини уйғотишга хизмат қиляпти.



## ҲАРАКАТГА МУНОСИБ ЭЪТИРОФ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “**Фаол тадбиркор**” кўкрак нишони билан тақдирлаш тўғрисида”ги фармойишга асосан, бир неча бухоролик тадбиркорлар ҳам мукофотланишди. Улар орасида тадбиркор Нодир Ҳамдамов ҳам бор.



Нодир Ҳамдамов “Validam”, “Nur”, “Parvona” брендига мансуб биринчи навли ун ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, вилоят аҳолисини сифатли озиқ-овқат маҳсулоти билан таъминлашга ҳисса қўшиб келмоқда. Маҳсулотлар аллақачон ўз харидорларини топиб улгурган. Нодир Ҳамдамов фақат тадбиркорлик фаолияти билангина чекланмаган. У ўз имкониятидан келиб чиқиб, хайрия ишлари ва саховат тўйларини ташкил қилишда ҳам ташаббус кўрсатиб келмоқда.

Яқинда Президент томонидан тақдирланган тадбиркор янги корхона фаолиятини йўлга қўйди. Юрт раҳбарининг эътирофи жавобан, мустакиллик байрами арафасида “Akbarjon Barakat” МЧЖ ишлаб

чиқариш корхонасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда иштирок этган вилоят ҳокими Ботир Зарипов янги корхона ишига муваффақият тилади. Ийгиликлар корхонада ишчи-ҳодимлар учун яратилган шарт-шароит ва ишлаб чиқариш қувватлари билан танишдилар.

Бугунги кунда юртимизда тадбиркорларга берилётган имконият ва энгилликлар уларнинг ҳар қачонгидан-да самарали фаолият юритишига замин яратмоқда. Маҳсулотларнинг сон ва сифати ортиб бормоқда. Тадбиркорлар кўпайгани эса янги иш ўринлари яратиш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашда ҳам муҳим ўрин тутди. “Akbarjon Barakat” МЧЖда ишлаб чиқариш ҳажми оширилиши натижасида яна 70 нафар аҳоли иш билан таъминланди. Корхона раҳбари Амирбек Бозоров дастлаб лойиҳанинг фаолияти кай тарзда йўлга қўйилгани ҳақида гапириб берди:

– Когон шаҳрининг Хўжа барги кўчаси ёқасида бир неча йилдан буён бўш ва фойдаланилмай келинаётган катта майдон бўларди. Бир неча йил илгари мана шу майдондан унумли фойдаланиш ва аҳоли учун аҳамиятли ишни бошлашни режа қилдик. Натижада бўш ётган ернинг 5,9 гектарини ўз тасарруфимизга олдик. Қурилиш ишлари ва бошқа харажатлар учун “Қишлоққурилишбанк”нинг вилоят филиали 2 миллион АҚШ долларидан зиёд имтиёзли кредит маблағи билан таъминланди. Бугунги кунда қилиш тарозихонаси цехини қуридик ва ҳозир кунига 120 тонна сара бугдой қа-

бул қилиб, қайта ишлаяпмиз. Шунингдек, қайта ишлаш цехи, омборхона, қўшимча цехлар қурилиб, зарур ускуна ва дастгоҳлар билан жиҳозланди. Кунига 75-80 тонна атрофда биринчи ва иккинчи навли ун қадоқланиб, сотувга чиқариляпти. Қолаверса, иккиламчи маҳсулот сифатида кепак, бугдой қилиғидан маҳаллий чорваларлар, майда шохли мол боқадиган ҳужаликлар учун озуқа бирлиги тайёрланаяпти.

“Akbarjon Barakat” МЧЖ ўз фаолиятида хорижий корхоналар билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйган. Хусусан, вилоятдаги агрокластерларда етиштирилган маҳаллий бугдой ҳосилини биржа савдолари орқали харид қилиши баробарида, қўшни Қозғистондан юқори сифатли бугдой олишни йўлга қўйган. Корхонада маҳсулот сифати юксалиши билан бир қаторда ҳажмининг орттишига ҳам эътибор қаратилган. Бунинг учун Туркиянинг “Gimach” компанияси билан ўзаро тенг манфаатли ҳамкорлик асосида иш олиб бориляпти. Туркиялик мутахассислар томонидан 7 миллион АҚШ долларига тенг бизнес лойиҳа устида иш олиб борилиб, ярим автоматлаштирилган тизимда ун комбинатида юқори унумли замонавий технология билан ишловчи тегирмон ва илгор дастгоҳлар ўрнатилди.

Нодир Ҳамдамов корхонанинг режаларига тўхталар экан, қўй-эчки ҳужаликларига, балиқчилик, паррандачилик, қўёнчилик ҳамда бошқа тармоқларда ҳам янгилликлар қилинишини билдирди.

## Ғиждувонда 27 та лойиҳа ва 500 дан ошиқ иш ўрни яратилди

**Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва ҳукумат эътибори натижасида мамлакатимизда тадбиркорлик билан шуғулланиш, бизнес лойиҳаларини амалга ошириш учун барча шарт-шароит яратилган.**

Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманида “Demo Klean” масъулияти чекланган жамияти томонидан умумий қиймати 5,5 миллиард сўм бўлган ювчи воситалари ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга туширилганига кўп бўлмади. Шунингдек, “Ерқин Хуршид Текстиль” МЧЖ томонидан автомобиллар саломи ўриндиқлари учун қопламалар тикиб тайёрлаш лойиҳаси кенгайтирилиши эвазига 20 нафар ғиждувонлик ёшлар ишли бўлмоқда.

Бундан ташқари, туман марказида “Соҳиб Ҳошим Фаррух” хусусий корхонаси томонидан ташкил этилган болалар даволаниш масканида 10 киши доимий иш билан таъминланди. Айни кунда уларнинг ойлик иш ҳақи 2,5 миллион сўм атрофида. Худди шундай, худудда “Шодиев олий тафаккур академияси” нодавлат таълим муассасаси томонидан 500 ўринли замонавий мактаб ташкил этилгани натижасида 30 нафарга яқин ўқитувчи-педагог иш билан таъминланди.

Олиб борилаётган чора-тадбирлар, яратилаётган бизнес лойиҳаларга тўхталсак, жорий йил якунига қадар худудда умумий қиймати 720 миллиард сўмга тенг бўлган 100 дан ортиқ лойиҳани ишга туширилиши эвазига 2 мингта янги иш ўрни ташкил этилиши кўзда тутилган. Мазкур лойиҳалар ишга туширилгани ҳисобидан йилга 425 миллиард сўмлик ҳажмдаги маҳсулот ишлаб чиқарилиши, бунда 18 миллион АҚШ долларига тенг маҳсулот экспортини амалга ошириш чоралари қуриляпти. Мухими, бу ишлар натижасида маҳаллий бюджетга 40 миллиард сўм тушу-му киритилиши таъминланди.

Ғиждувон туманида жорий йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишларга тўхталсак, худудий инвестиция дастури доирасида қиймати 287,5 миллиард сўмга тенг бўлган жами 27 та лойиҳани ишга туширилгани ҳисобидан 500 дан ошиқ ишчи-мутахассис ўрни яратилмоқда. Айни пайтда имкониятларини кенгайтираётган “Ғиждувон” эркин иқтисодий зонасида транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш ва бу орқали инвесторлар учун жозабдорликни ошириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 21-22 январь кунлари Бухоро вилоятига ташири довомида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ таркибий бўлинмалари томонидан Ғиждувон туманида ташкил этилиши режалаштирилган янги худудга лойиҳа қиймати 74,7 миллиард сўмга тенг бўлган 28 километр узунликдаги темир йўл тармоғи тортилган тадбиркорлар учун яна бир имконият, албатта. Йирик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини кенгайтираётгани туфайли шохобча темир йўл қурилишини 4,3 километрга узятиришга эҳтиёж сезилмоқда.

Савҳан журналистлар  
Зулфизар МАВЛОНОВА ва Учқун ТОҶИЕВ  
тайёрлашди.

## Куз-қиш мавсумига тайёргарлик бошланган

Бухоро вилоятидаги барча бошқарув сервис компаниялари томонидан 2024-2025 йиллар куз-қиш мавсумига пухта ҳозирлик кўриш ишлари аллақачон бошланган.

Бу борада худуддаги кўп хонадонли турар жой иншоотларида жорий таъмирлаш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини тартибга келтириш, таъминоти бир маромда ташкиллаштириш, қолаверса, кўп қаватли уйлар дахлизидан тортиб, улардаги электр таъминоти тармоғидаги тақсимлаш кўти (электрощит)лари бирма-бир хатлов ва назоратдан ўтказилиб, аниқланган камчиликлар худудий электр тармоқлари корхонаси мутахассислари ҳамкорлигида жойида бартараф этилмоқда.

Жумладан, Ромитан тумани марказидаги “Афросиёб” МФИдаги кўп квартиралар уйларга хизмат кўрсатаётган “Аслон Исом қурилиш” бошқарув сервис компанияси ходимлари томонидан ҳозирда кўп квартиралар уйларнинг электрощитларини таъмирлаш ишлари давом эттирилмоқда. Худди шундай, вилоят марказида “Dilshodbek” бошқарув сервис компанияси томонидан хизмат кўрсатилаётган “Шайх-ул олам” маҳалла фуқаролар йиғинидаги 21-, 22- ва 24-сонли кўп хонадонли уй-жойларнинг кириш йўлақларида яроқлилик муддатини ўтаб булган электр анжумлари янги ва энергиятежамкор жиҳозларга алмаштирилмоқда.

Бухоро шаҳрида фаолият юритаётган “Вихоро Polizol servis” МЧЖ бошқарув компанияси ишчи-ҳодимлари томонидан худуддаги кўп квартиралар уйларда истиқомат қилувчи аҳоли вакилларининг талаб ва таклифлари ўрганилиб, уйларга ёндош худудлар ободонлаштирилди. Шу билан бир қаторда, кириш йўлақларини таъмирлаш ҳамда яроқлилик муддатини ўтаб булган ёғоч дераза ромларни замонавий ва энергия тежамкор “АКФА” ромларига алмаштириш ишлари амалга ошириляпти. Шунингдек, Бухоро шаҳрининг А. Жомий кўчаси, 6/5-кўп квартиралар уйининг кириш йўлақлари таъмирдан чиқарилди. Қолаверса, Кончилар кўчасидаги 3, 4, 5-сонли кўп хонадонли турар жой иншоотларидаги ўриндиқлар ва чиқинди қутилари (урна)ни таъмирлаш ҳамда бўяш ишлари ҳам ниҳоясига етказилган.

Когон шаҳридаги кўп квартиралар уйларга хизмат кўрсатувчи “Диёра Гулнара қурилиш” бошқарув сервис компанияси ишчи-ҳодимлари томонидан эса айни пайтда Фарғона кўчасидаги 33-кўп квартиралар уйининг кириш йўлақлари таъмирдан чиқарилди. Қолаверса, Кончилар кўчасидаги 3, 4, 5-сонли кўп хонадонли турар жой иншоотларидаги ўриндиқлар ва чиқинди қутилари (урна)ни таъмирлаш ҳамда бўяш ишлари ҳам ниҳоясига етказилган.

## Олотда замонавий логистика маркази очилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида 2022 йил 17 февраль куни “2022 йилда божхона маъмурчилигини янада такомиллаштириш ва уни коррупциядан холи тизимга айлантириш бўйича устувор вазифалар тўғрисида”ги йўналиш баёнида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида Бухоро вилоятининг “Олот” чегара постига туташ худудда замонавий логистика маркази ташкил этилди.

Мазкур логистика марказининг умумий қиймати 20 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, унинг фаолияти “Euroasia Transportation and Logistics Company” МЧЖ негизда йўлга қўйилди. Марказнинг ойлик фаолият қуввати 745 та транспорт қатнови ҳамда назоратини амалга оширишга мўлжалланган бўлиб, бунда 30 та иш ўрни ташкил қилинган.

Дарвоқе, бу муҳим лойиҳани амалга ошириш учун туман ҳокимлигининг 2019 йил 30 сентябрдаги 2627-сонли қарорига мувофиқ, давлат-хусусий шерикчилиги асосида Солақоравул маҳалласидаги “Олот чегара божхона пости” худудига туташ 28 гектар ер майдони ажратилган. Лойиҳа бош режасига асосан, 2023-2025 йиллар мобайнида худудда жами 16 та объект барпо этилиши режалаштирилган бўлиб, айни кунда қурилиш

ишлари икки босқичда амалга оширилиши белгиланган. Мазкур лойиҳа доирасида 28 гектар ер майдонида тупроқлаштириш ишларини амалга ошириш мақсадида 20 та “SHAKMAN” русумли самосвал, 2 та автогрейдер, 2 та экскаватор, юқори унумдор бульдозер техникалари жалб қилинган. 40 километрдан узоқ масофадан конгломерат тоғ-тоши ташиб келиниб, кўмиш, текислаш ишлари амалга оширилган.

Ҳозирда бу худуднинг 10 гектар майдони бетонлаштирилиб, автотураргоҳ ташкил қилинган. Шунингдек, 457 метр квадрат худудда икки қаватли меҳмонхона биноси ва юқорини қабул қилиш ва сақлаш учун омборхона қурилган. Бундан ташқари, кафе, савдо дўкони ва автомобилларга хизмат кўрсатувчи шохобча қуриб, фойдаланишга топширилган. Лойиҳага биноан,



замонавий логистика марказига кираверишда 18,3 метр квадрат майдонда кириш-назорат пункти, 947,3 метр квадрат ерда 2 та маъмурий бино, 6 минг метр квадрат худудда омборхона, қолаверса, текшириш гуруҳи учун хоналар барпо этилган.

Бундан ташқари, марказда қўшимча юк автомобиллари тураргоҳи, санитария-карантин худуди, ёнғинга қарши насос станцияси қурилиши яқинда даст олади. Умуман, лойиҳанинг дастлабки босқичида олис худуддаги замонавий логистика маркази иш фаолиятини бошлади. Ҳозирда бу худудда 900 тадан ортиқ юк ташув автомашинасини сақлаш ва ҳайдовчиларга хизмат кўрсатиш тизими йўлга қўйилди.

## Ўқув муассасаларида имкониятлар кенгаймоқда

**Таълим олиш ҳам умр, ҳам кўнглини ёритувчи шамчироққа ўхшайди. Унинг ёруғлиги қаерда баландроқ бўлса, одамлар ўша ерга талпинади. Қоровулбозор туманида ҳам йилдан-йилга таълим сифати ошиб, ўқув муассасаларида имкониятлар кенгаймоқда.**

Хусусан, Инвестиция дастури асосида тумандаги “Имом Бухорий” МФИда жойлашган 8-иختисослаштирилган давлат умумтаълим мактабининг янги ўқув биноси барпо этилмоқда. Ўқувчи сонининг кўпайиши ва айнан шу мактабда фарзандини ўқитишни истовчилар сонининг ортиб бораётгани туфайли янги ўқув биносига эҳтиёж тутилган эди.

Мактабда 60 нафар ўқитувчи фаолият юритади. Уларнинг ҳар бири талабчан, ўз устида доимий ишлайди ва изланишлар олиб боради. Шунга мос тарзда ўқувчиларни билим олишга қизиқтириш йўлида турли интерфаол ўйинлар,

мактаб ёки синф бўйича мусобақалар ташкил қилинади. Айниқса, Ориф Пирнафасов, Бунёд Турдиев, Нафиса Рустамова, Исоқ Примов сингари ўқитувчилар ҳар жиҳатдан фаоллик билан ўқувчиларни таълимга жалб этиб келишмоқда. Уларнинг савий-ҳаракати ва меҳнати билан бугунги кунда ўқувчилар танловларда фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. Биргина шу йилнинг ўзида 50 нафар ўқувчи мактабни битирган бўлса, шундан 12 нафари мuddатидан олдин талабаликка муваффақ бўлди.

– Мактабимиз 520 нафар ўқувчини ўқитишга мўлжалланган, – деди мактаб директори Азиз

Примов. – Шунга қарамай, ҳозирга қадар 800 дан ортиқ ўқувчи ўқитиб келинмоқда. Чунки чекка қишлоқлардан, қолаверса, бошқа вилоятлардан ҳам ўқувчилар келиб тахсил олишади. Таълим жараёнида синф хоналари етишмаслигидан бироз қийинчиликка дуч келардик. Қурилаётган 8 та ёруғ ва кенг синф хоналари ўқувчилар учун яхши имконият бўлади. Янги бино 240 ўринга мўлжалланган ва 2 қаватдан иборат. Бино 23х16 квадрат метр майдонда барпо этиляпти. Лойиҳа қиймати 3 млрд 120 млн сўмни ташкил этиб, қурилиш ишлари “Чилонзор қурилиш мега строй” МЧЖ томонидан амалга оширилмоқда.

Туман ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари Исом Каримовнинг маълумот беришича, қурилиш жараёни июнь ойи охирида бошланиб, дастурга кўра, 5 ойда қуриб битказилади. Ноябрь ойининг илк куниданоқ мактаб ўқувчилари янги бинодан фойдаланиш имконига эга бўлиши кутилмоқда.



## Правительство Республика Узбекистан

получила кредит от Всемирного банка (Банка) на реализацию Проекта "Развития сельской инфраструктуры" и намеревается использовать часть средств данного кредита для финансирования правомочных платежей по контракту на выполнение проектно-исследовательских работ и разработку рабочего проекта под ключ по следующим объектам:

№	Наименование объекта	Номер контракта	Стартовая стоимость работ (сум без НДС)	Срок выполнения работ (календарных дней)
1.	Реконструкция общеобразовательной школы №25 в МСГ "Какир" Булакбашинского района Андижанской области (строительство актового зала)	MOEI-RIDP-AND-CS-94	77 460 310	35
2.	Улучшение электроснабжения МСГ "Сохибор" Булакбашинского района Андижанской области	MOEI-RIDP-AND-CS-95	62 669 910	35
3.	Улучшение электроснабжения МСГ "Сарбонтена" Булакбашинского района Андижанской области	MOEI-RIDP-AND-CS-96	72 949 110	35
4.	Улучшение электроснабжения МСГ "Кашкар" Булакбашинского района Андижанской области	MOEI-RIDP-AND-CS-97	36 365 910	30
5.	Улучшение электроснабжения МСГ "Кумарик" Булакбашинского района Андижанской области	MOEI-RIDP-AND-CS-98	77 881 110	35
6.	Улучшение электроснабжения МСГ "Байналминал" Булакбашинского района Андижанской области	MOEI-RIDP-AND-CS-99	21 200 310	30
7.	Улучшение электроснабжения МСГ "Какир" Булакбашинского района Андижанской области	MOEI-RIDP-AND-CS-100	72 949 110	35
8.	Улучшение электроснабжения МСГ "Заргалдок" Булакбашинского района Андижанской области	MOEI-RIDP-AND-CS-101	66 878 910	35
9.	Улучшение электроснабжения МСГ "Чакар" Булакбашинского района Андижанской области	MOEI-RIDP-AND-CS-102	48 289 110	30
10.	Реконструкция общеобразовательной школы №21 в МСГ "Марказий" Мархаматского района Андижанской области	MOEI-RIDP-AND-CS-103	47 900 000	30
11.	Текущий ремонт общеобразовательной школы №15 в МСГ "Полвонтош" Мархаматского района Андижанской области	MOEI-RIDP-AND-CS-104	16 800 000	25
12.	Реконструкция семейной поликлиники №36 в МСГ "Ровот" Мархаматского района Андижанской области	MOEI-RIDP-AND-CS-105	68 700 000	35
13.	Улучшение электроснабжения МСГ "Бархаёт" Мархаматского района Андижанской области	MOEI-RIDP-AND-CS-106	80 372 310	35
14.	Улучшение электроснабжения МСГ "Бобохурсон" Мархаматского района Андижанской области	MOEI-RIDP-AND-CS-107	51 178 710	35
15.	Улучшение электроснабжения МСГ "Шуркишлок" Мархаматского района Андижанской области	MOEI-RIDP-AND-CS-108	18 109 110	25
16.	Улучшение электроснабжения МСГ "Юкори ровот" Мархаматского района Андижанской области	MOEI-RIDP-AND-CS-109	48 289 110	30
17.	Асфальтирование пешеходных тротуаров в МСГ "Хасанмерган" Мархаматского района Андижанской области	MOEI-RIDP-AND-CS-110	18 960 310	25
18.	Улучшение электроснабжения МСГ "Хаётбахш" Пахтаабдского района Андижанской области	MOEI-RIDP-AND-CS-111	33 476 310	30
19.	Улучшение электроснабжения МСГ "Янгиобод" Пахтаабдского района Андижанской области	MOEI-RIDP-AND-CS-112	49 275 510	35
20.	Улучшение электроснабжения МСГ "Чорсу" Пахтаабдского района Андижанской области	MOEI-RIDP-AND-CS-113	37 109 910	30
21.	Улучшение электроснабжения МСГ "Учкургон" Пахтаабдского района Андижанской области	MOEI-RIDP-AND-CS-114	29 605 910	30
22.	Улучшение электроснабжения МСГ "Дункишлок" Пахтаабдского района Андижанской области	MOEI-RIDP-AND-CS-115	62 719 510	35
23.	Улучшение электроснабжения МСГ "Лолазор" Пахтаабдского района Андижанской области	MOEI-RIDP-AND-CS-116	59 613 910	35
24.	Улучшение электроснабжения МСГ "Мустахам" Пахтаабдского района Андижанской области	MOEI-RIDP-AND-CS-117	70 820 310	35
25.	Улучшение электроснабжения МСГ "Туллобод" Пахтаабдского района Андижанской области	MOEI-RIDP-AND-CS-118	45 931 510	30
26.	Улучшение электроснабжения МСГ "Навахор" Пахтаабдского района Андижанской области	MOEI-RIDP-AND-CS-119	40 225 110	30
27.	Улучшение электроснабжения МСГ "Анджон" Пахтаабдского района Андижанской области	MOEI-RIDP-AND-CS-120	37 523 510	30
28.	Улучшение электроснабжения МСГ "Эскикургон" Пахтаабдского района Андижанской области	MOEI-RIDP-AND-CS-121	71 018 710	35
29.	Улучшение электроснабжения МСГ "Терактаги" Пахтаабдского района Андижанской области	MOEI-RIDP-AND-CS-122	39 367 510	30
30.	Улучшение электроснабжения МСГ "Нурдиёр" Пахтаабдского района Андижанской области	MOEI-RIDP-AND-CS-123	37 823 510	30
31.	Улучшение электроснабжения МСГ "Ёлғизбоб" Пахтаабдского района Андижанской области	MOEI-RIDP-AND-CS-124	70 689 910	35

## Инжиниринговая компания СЕЗ Андижанского областного хокимията (далее именуемый "Заказчик")

приглашает проектные организации представить объединенные технические и финансовые предложения по предоставлению следующих консультационных услуг: выполнение проектно-исследовательских работ и разработку рабочего проекта под ключ по вышеуказанным объектам. Торги будут производиться в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ), установленными в "Правилах закупок для заемщиков ФИП Всемирного банка" и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как определено в Правилах.

Заинтересованные правомочные проектные организации могут получить более подробную информацию в Консалтинговом центре по организации государственных закупок в сфере строительства Андижанской области и ознакомиться с тендерной документацией в рабочее время с 9.00 до 18.00 по нижеуказанному адресу. Полный комплект тендерной документации на русском языке может быть приобретен заинтересованными участниками торгов по предоставлению письменной заявки по нижеуказанному адресу и оплаты невозмещаемого взноса.

Оплата для покрытия расходов по распечатке и рассылке/транспортных расходов составляет – 340 000 сум.

Технические и финансовые предложения должны быть представлены в Консалтинговый центр по организации государственных закупок в сфере строительства по следующему адресу: г. Андижан ул. А. Навои, 30 (здание главного управления строительства, 1-этаж, кабинет 106) не позднее 16.00, 11 сентября 2024 года.

Подача предложений:

- Заявки должны быть представлены в форме, прилагаемой в тендерной документации
- Цены тендерных предложений должны быть указаны без НДС.
- Крайний срок подачи заявок – 11.09.2024 года, 16.00.
- Адрес для подачи заявок:

Консалтинговый центр по организации государственных закупок в сфере строительства по следующему адресу: г. Андижан ул. А. Навои, 30 (здание главного управления строительства, 1-этаж, кабинет 106).

Ответственный представитель консалтингового центра: М. Топволдиев.

Адрес электронной почты: andijon.tender@mail.ru

Предложения должны быть получены нарочно по адресу и не позднее указанной выше даты и времени. Предложения, поступившие после истечения крайнего срока подачи, не будут рассматриваться. Любое предложение, полученное после истечения крайнего срока подачи, объявляется опоздавшим, отклоняется и возвращается Участнику торгов нераспечатанным.

Хоразм viloyatining Xiva shahrida barpo etilishi mo'ljallangan zamonaviy turistik majmuaning "MKB Kasana Invest Group" MChJ buyurtmachiligi ostida quriladigan "Savdo majmualari" (№4.-lot) hamda "Mehmonxona" (№2-lot) obyektlari uchun loyiha-smeta hujjatlarini tayyorlash maqsadida

## PROFESSIONAL LOYIHA TASHKILOTLARI O'RTASIDA TANLOV E'LON QILINADI!

Tanlovda ishtirok etish uchun professional loyihachi tashkilotlar taklif etilmoqda.

Loyiha-smeta hujjatlarini ishlab chiqish qurilish-montaj ishlari bilan bir vaqtda olib borilishi sababli tanlashda ishtirok etish istagidagi bo'lgan ishtirokchilarning eng yuqori reyting ko'rsatkichiga ega bo'lgani va obyektning joriy narxlaridagi qiymatiga nisbatan eng past foiz taklif et-

gani tanlash g'olibi deb e'lon qilinadi. Takliflarni baholashda ishtirokchining reyting ko'rsatkichi ulushi 70 foizni va narx (foizda beriladi) taklifi ulushi 30 foizni tashkil etadi.

Obyekt "MKB Kasana Invest Group" MChJning o'z mablag'lari hisobidan moliyalashtiriladi.

Tanlash ishtirokchilarining takliflari Toshkent shahri, Mirobod tumani, Amir Temur ko'chasi, 4-uyda ish kun-

lari soat 9.00 dan 18.00 gacha qabul qilinadi, takliflarni taqdim etishning oxirgi muddati 2024-yil 29-avgust kuni soat 16.00 gacha qilib belgilanadi.

Tanlashda qatnashish uchun talabgorlar tanlash hujjatlarini "MKB Kasana Invest Group" MChJ bilan bog'langan holda olishlari mumkin.

Mas'ul shaxs telefon raqami: 97-747-30-21.

"MKB Kasana Invest Group" MChJ buyurtmachiligi ostida Xorazm viloyatining Xiva shahrida barpo etiladigan zamonaviy turistik majmuaning "Savdo majmualari" (№4.-lot) hamda "Mehmonxona" (№2-lot) obyektlarini qurish maqsadida

## PUDRAT-QURILISH TASHKILOTINI TANLASH UCHUN TANLOV E'LON QILINADI!

Qurilish-montaj ishlari loyiha-smeta hujjatlarini ishlab chiqish bilan bir vaqtda olib borilishi sababli tanlashda ishtirok etish istagidagi bo'lgan ishtirokchilardan pudrat tashkilotlarining eng yuqori reyting ko'rsatkichiga ega bo'lgan tashkilot tanlash g'olibi deb e'lon qilinadi.

Obyekt "MKB Kasana Invest Group" MChJning o'z mablag'lari hisobidan moliyalashtiriladi.

Tanlash ishtirokchilarning takliflari Toshkent shahri,

Mirobod tumani, Amir Temur ko'chasi, 4-uyda ish kunlari soat 9.00 dan 18.00 gacha qabul qilinadi, takliflarni taqdim etishning oxirgi muddati 2024-yil 29-avgust kuni soat 16.00 gacha qilib belgilanadi.

Tanlashda qatnashish uchun talabgorlar tanlash hujjatlarini "MKB Kasana Invest Group" MChJ bilan bog'langan holda olishlari mumkin.

Mas'ul shaxs telefon raqami: 97-747-30-21.

## ТАДБИРКОРЛАР ВА САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

### "Zamonaviy realtor xizmati" MChJ

очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

"Zamonaviy realtor xizmati" MChJ tomonidan tashkil etiladigan ochiq tanlov sավdolарига "Чилонзор буюм савдо комплекси" АЖнинг 2024 йил 20 августдаги 662-сонли буюртмасига асосан, "Чилонзор буюм савдо комплекси" АЖ ҳудудда жойлашган савдо шохобчаларининг ижарага олиш ҳуқуқи кўйилмоқда:

№	Савдо шохобчаларининг асосий тавсифлари	Бошланғич баҳоси, сўмда
1.	42/13а сонли, умумий майдони 11,0 м² бўлган савдо шохобчаси	51 442 666
2.	45/14 сонли, умумий майдони 14,80 м² бўлган савдо шохобчаси	69 213 768
3.	45/15 сонли, умумий майдони 13,30 м² бўлган савдо шохобчаси	62 198 859
4.	19/6Б сонли, умумий майдони 26,4 м² бўлган савдо шохобчаси	123 462 398
5.	19/14 сонли, умумий майдони 17 м² бўлган савдо шохобчаси	79 502 302
6.	19-1-1 сонли, умумий майдони 19,53 м² бўлган савдо шохобчаси	91 334 115
7.	12-1-1 сонли, умумий майдони 13,50 м² бўлган савдо шохобчаси	63 134 181
8.	36-4-16 сонли, умумий майдони 12,40 м² бўлган савдо шохобчаси	57 989 914
9.	37-42 сонли, умумий майдони 66,0 м² бўлган савдо шохобчаси	132 000 000

Савдода иштирок этиш истагини билдирган талабгорлардан аризалар ушбу хабарнома чоп этилган санадан бошлаб расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Таклифларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2024 йил 23 сентябрь кuni соат 16.00 гача.

